

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАШИНАСОЗЛИК ВА МЕТАЛЛГА ИШЛОВ БЕРИШ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Хурсандов Комилжон Махматкулович

ТДИУ Тармоқлар иқтисодиёти
кафедраси мустақил изланувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада миллий иқтисодиётни ривожлантиришда машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини ўзига хос хусусиятлари, машинасозлик тармоғини миллий иқтисодиётдаги ўрни, машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғининг макроиқтисодиётдаги функциялари, жaxon бозоридаги улуши ва унинг иқтисодий таҳлили ҳамда машинасозлик мажмуасининг тармоқ тузилиши бўйича илмий фикрлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, машинасозлик, металлга ишлов бериш, инновация, техника ва технология, такомиллаштириш.

РАЗВИТИЕ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНОЙ И МЕТАЛЛООБРАБАТЫВАЮЩЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В РАЗВИТИИ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА ОСОБЕННОСТИ

Аннотация

В данной статье рассмотрены особенности машиностроительной и металлообрабатывающей промышленности в развитии народного хозяйства, роль машиностроительной отрасли в народном хозяйстве, машиностроение. И макроэкономические функции металлообрабатывающей промышленности, ее долю на мировом рынке и ее экономический анализ, а также научные взгляды на сетевую структуру машиностроительного комплекса.

Ключевые слова: народное хозяйство, машиностроение, металлообработка, инновации, техника и технология, совершенствование.

DEVELOPMENT OF THE MACHINE-BUILDING AND METAL-WORKING INDUSTRIES IN THE DEVELOPMENT OF THE NATIONAL ECONOMY SPECIFIC FEATURES

Abstract

In this article, the specific features of the engineering and metalworking industry in the development of the national economy, the role of the engineering industry in the national economy, engineering and the macroeconomic functions of the metalworking industry, its share in the world market and its economic analysis, as well as scientific views on the network structure of the engineering complex.

Keywords: national economy, machinery, metalworking, innovation, technique and technology, improvement.

Кириш

Ҳозирги кунда дунё давлатлари орасида рақобатни йилдан-йилга кучайиб бораётганлиги, халқаро бозорларда инновацион жиҳатдан юқори бўлган сифатли маҳсулотларни ортиб боришига туртки бўлмоқда.

Жаҳон бозорида машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини янада ривожланишиб бораётганлиги, дунё мамлакатлари орасида юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш саръатларини ривожланишида янги имкониятларни яратиб бермоқда. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш тармоқларини технологиялар ва асбоб - ускуналар билан таъминлашда, иқтисодиёт тармоқларига юқори технологиялар етказиб беришда ҳамда машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини янада такомиллаштиришда янги инновацион лойиҳаларни амалга ошишини таъминлайди.

Мазкур тармоқ фан - техника ютуқларини, хусусан, инновацион ишланмаларни ўзида тадбиқ этувчи саноат тармоғи бўлиб, кўпгина тадқиқотларда қайд этилишича[1], мамлакатдаги барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий манбайини техник тараққиёт, яъни инновация омили сифатида ташкил этади. Ўз навбатида техник тараққиётни жадаллаштириш - миллий иқтисодиёт тармоқларини юқори технологиялар билан таъминлаб турувчи ва модернизацияловчи машинасозлик тармоғини тараққий эттириш билан бевосита боғлиқдир. Бу эса, миллий иқтисодиётда таркибий ва технологик ўзгаришларни амалга оширишда долзарб иқтисодий аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.2 – бандида ҳам айнан мазкур масалага устувор йўналиш сифатида алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аynи пайтда мазкур тармоқнинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши ўртача 8,5 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимиз машинасозлик тармоғи, хусусан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ўз моҳиятига кўра нафақат қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва фермер хўжаликлари меҳнاتини енгиллаштиришнинг мустаҳкам пойдевори, балки, айтилиб ўтган республикамиз валюта балансини тўлдиришнинг муҳим манбаи ҳам ҳисобланади.

Шу сабабли тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида республикамиз машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини ривожлантириш орқали иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгиланиш жадаллаштириш муҳим вазивалардан бири саналади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини янада такомиллаштириш иқтисодиётимизни юқори даражада ривожланишини таъминлайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини ривожланишини ўзига хос хусусиятлари бўйича бир қатор муаммо ва долзарб масалаларни У.Шарп, Г.Александр, Дж.Бейли, К.Р.Макконнел, С.Л.Брю, Д.М.Розенберг, Л.Дж.Гитман, М.Д.Джонк[2]лар каби хорижлик олимлар ўрганишган.

Бу мавзу доирасида МДХ олимларидан Е.В.Михайлова, Н.Д.Гуськова, И.Н.Кравовская, Ю.Ю.Слушкина, В.И.Маколев, О.С.Сухарев, С.В.Шманев, А.М.Курьянов, В.В.Мищенко, А.С.Нешиной, Н.В.Игошин, А.М.Марголин[3]лар сингари олимларнинг илмий фаолиятини алоҳида эътироф этиш мумкин. Республикамизда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини ривожланишини ўзига хос хусусиятларини, машинасозликни ривожланишини ҳамда металлга ишлов бериш тармоғини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муаммо ва долзарб масалалари Д.Ғ.Ғозибеков, А.В.Вахабов, С.Умаров, А.Бомуратов, Г.Махмудова, Э.Шодмонов[4]лар сингари тажрибали олимларнинг илмий изланишларида кенг тадқиқ қилинган.

Аммо, юқорида қайд этилган илмий тадқиқотларнинг аксарияти бевосита миллий иқтисодиётни ривожлантиришда машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатларига бағишланган бўлиб, амалий жиҳатларига кенгроқ тўхталиб ўтилмаган. Биз олиб бораётган тадқиқот иши доирасида айнан амалий жиҳатларини ўрганиш масаласига эътибор қаратилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси асосини мамлакатимизда миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобида таъкидланган иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга қаратилган йўналишлари ташкил этади.

Тадқиқотни амалга оширишда тадқиқот жараёнида мантиқий фикрлаш, статистик таҳлил, кузатув ва қиёсий таҳлил, абстракт фикрлаш ҳамда илмий умумлаштириш каби усуллардан кенг фойдаланилган. Шунингдек, мантиқий, тизимли ва таркибий ёндашувлардан ҳам фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Миллий иқтисодиёт жуда кўплаб саноат тармоқлари мажмуасидан ташкил топади ва уларнинг ҳар бири мамлакатнинг ривожланишига турлича ҳисса қўшади. Бирок саноатнинг шундай тармоқлари борки, булар бутун мамлакатдаги техник тараққиётни белгилаб беради ва иқтисодиётнинг инновацион ривожланишига катта ҳисса қўшади. Шундай тармоқлардан бири бу машинасозлик тармоғи бўлиб, у иқтисодий ўсишни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади.

Бугунги кунда жаҳон қайта ишловчи саноат тармоғи таркибида машинасозликнинг улуши 32,1 фоизни ташкил этиб, бундан: компьютер, электроника ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш 8,5 фоизни, машина ва жиҳозлар ишлаб чиқариш 8,2 фоизни, транспорт моторлари, прицеплар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш 8,1 фоизни, электрон машинасозлик ва аппаратуралар ишлаб чиқариш 4,1 фоизни ҳамда транспот жиҳозлари ишлаб чиқариш 3,2 фоизни ташкил этади[5].

Машинасозлик тармоғи миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан ўзига хос ривожланиш хусусиятлари билан характерланади ва қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

- мамлакат иқтисодиётининг турли тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнларини меҳназициялаш ва автоматлаштириш учун тармоқ маҳсулотининг йўналганлиги;
- тармоқ маҳсулотининг кўп номенлатуралиги ва юқори мураккаблик (ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг турли - туманлиги, маҳсулотнинг таёрланишида юқори аниқлик, габаритлик, оғирлик ва бошқалар);
- маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўлланилаётган техниканинг кўп агрегатлиги;

<https://conferencea.org>

- тармоқда тайёрланадиган маҳсулот технологик жараёнларининг кўп амалиётлилиги;

- қўлланиладиган технологик жараёнларнинг юқори хилма-хиллиги (механик қайта ишлаш, термик ва электромеханик қайта ишлаш усуллари, пайвандлаш ва электромонтаж ишлари, бўйаш ишлари ва бошқалар);

- қўлланилаётган материалларнинг юқори хилма-хиллиги;

- ишчи ходимлар касбий таркибининг турли-туманлиги каби бир қатор жиҳатларини ўз ичига олади.


Машинасозлик - иқтисодиётни техник ва технологик модернизациялашнинг асосий воситаси ҳисобланади ва унинг асосий мақсади иқтисодиётдаги асосий ишлаб чиқариш фондларини кенгайтириш

ҳамда машина ва жиҳозларнинг узлуксиз янгилашиб боришини таъминлашдан иборат бўлиб, шунингдек, машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғининг асосий функцияси эса - иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларини машинасозлик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда уларни техник параметрларга эга бўлишига янги имкониятлар яратиш бериш ҳисобланади.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, ривожланган мамлакатларда қайта ишловчи тармоқларда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ва ишлаб чиқарувчи жиҳозларга бўлган талаб динамикаси ўртасида кучли боғланиш мавжуд.

Бундан ташқари машинасозлик тармоқларида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши иқтисодиётдаги мультипликатив омилларни фаоллаштиради ҳамда қайта ишловчи тармоқларда ижобий ишлаб чиқариш тенденциясини намоён этади.

Юқоридаги олиб борилаётган илмий изланишларимиз натижасида шундай фикрга келиш мумкинки, машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғи миллий иқтисодиётнинг “мушак кучи” ҳисобланади ҳамда мазкур тармоқ макроиқтисодиётда 1-расмда кўрсатиб ўтилган қуйидаги функцияларни бажаради.



1-расм. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғининг макроиқтисодиётдаги функциялари

Расмдан кўриниб турибдики, машинасозлик ва металга ишлов бериш тармоғи бугунги кунда мамлакатимиздаги макроиктисодий кўрсаткичларни ривожлантиришда энг асосий бўлган функцияларни бажариши кўрсатиб ўтилган бўлиб, ушбу функциялар мамлакат иқтисодиётини ривожланишида энг муҳим ўрин тутувчи функциялар ҳисобланади.

Қолаверса, машинасозлик - саноатнинг энг мураккаб тармоғи бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг жойлашуви ва технологик жараёнларнинг мураккаблиги нуқтаи назаридан ҳам қуйидагича таснифланади.



2-расм. Машинасозлик мажмуасининг тармоқ тузилиши

Расмдан кўринадики, машинасозлик мажмуасининг тармоқ тузилиши асосан 4 та гуруҳни ўз ичига олади. 1-гуруҳ оғир машинасозлик, 2-гуруҳ ўрта машинасозлик, 3-гуруҳ умумий машинасозлик ҳамда 4-гуруҳ машина, механизм, асбоблар ишлаб чиқариш бўйича тармоқларни ташкил этади.

Ушбу гуруҳлар ҳам ўз навбатида яна кичик йўналишларга ажралади. Бундан кўринадики, машинасозлик мажмуасининг тармоқ тузилиш кўплаб омилларни ўз ичига қамраб оладиган мураккаб бўлган тармоқлардан бири ҳисобланади. Машинасозлик тармоқлари юқоридагилардан ташқари “хом ашё маҳсулотлари бозорининг ҳудудий жиҳозлари” белгиси бўйича ҳам шартли равишда

икки гуруҳга ажратилади, булар

1. Импорт ўрнини босувчи машинасозлик тармоқлари бўлиб, мазкур гуруҳга автомобил саноати, трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, транспорт машинасозлиги, йўл-қурилиш машинасозлиги киради.

Мазкур гуруҳ тармоқларининг ривожланиши иқтисодиётнинг инфратузилмавий омилларини ҳамда ички бозорда унинг маҳсулотларига бўлган талабни белгилайди.

2. Экспортга йўналтирилган машинасозлик тармоқлари бўлиб, мазкур гуруҳ тармоқларига энергетика машинасозлиги, электротехника саноати, бошқарув тизимини атоматлаштиришнинг турли унсурларини ишлаб чиқариш бўйича асбобсозлик саноати, преслаш ва оғир металл станоклар ишлаб чиқариш бўйича станоксозлик саноати, шунингдек, авиация ва кemasозлик саноатлари киради.

Бундан кўринадики, машинасозлик тармоқлари миллий иқтисодиётни ривожлантиришда энг муҳим тармоқлардан бири ҳисобланиди. Ушбу тармоқни янада такомиллаштириш орқали миллий иқтисодиётда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми ортиб боришини таъминлайди ҳамда янги имкониятларни яратиб беради.

Хулоса ва таклифлар

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги омилларга боғлиқ бўлиб, уларни такомиллаштириш муҳим ҳисобланиди.

Жумладан:

миллий иқтисодиётни ривожлантиришда машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини янада такомиллаштириш орқали янги инновацион маҳсулотларни амалиётга татбиқ этиш;

машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибасидаги инновацион янгиликларни ўрганиш орқали миллий иқтисодиётни барқарорлигини таъминлаш;

машинасозлик ва металлга ишлов беришга ихтисослашган корхоналар ўртасида яхлит ҳамкорлик тизимини жорий этиш;

машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини янада ривожлантиришга қаратилган имтиёзли дастурларни кенг жорий этиш бўйича асосланган таклифларни қонун ҳужжатларига киритишдан иборатдир.

Юқоридаги келтириб ўтилган тавсияларни амалиётга кенг жорий этилиши натижасида, машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоғини янада ривожлантиришга қаратилган замонавий имкониятларни юзага келиши, миллий иқтисодиётни барқарор

даражада ўсиши ҳамда машинасозли ва металлга ишлов бериш билан фаолият олиб боровчи корхоналарни юқори даражада иқтисодий ўсишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ha J., Howitt P. Accounting for Trends in Productivity and R&D: A Schumpeterian Critique of Semi - Endogenous Growth Theory. Brown University. January 24, 2006. 1 p.; Madsen J.B., Saxena S., Ang J.B. The Indian growth miracle and endogenous growth. Monash University, 2009. 6 - p.
2. Шарп У., Александер Г., Бейли Дж., Инвестиции: Пер. с англ. - М.: Инфра - М, 2010. - 1028 с.; Макконнел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2 т.: Пер с англ. 13 - го изд.: Учеб. - Т. 1 - М.: ИНФРА - М, 2001. - 974 с.; Розенберг Д.М. Инвестиции. - М.: ИНФРА, 2007. 173 с.; Лоренс Дж. Гитман, Майкл Д. Джонк. Основы инвестирования. - М.: Дело, 2007. - 10 с.
3. Михайлова Е.В. Финансовые рынки и их формирование. Под. Ред. Л.Н.Красавиной. - М. 2007. - 357 с.; Гуськова Н.Д., Кравовская И.Н., Слушкина Ю.Ю., Маколев В.И. Инвестиционный менеджмент. - М.: Дашко и К., 2006. - 351 с.; Сухарев О.С., Шманев С.В., Курьянов А.М. Экономическая оценка инвестиций. - М.: ИНФРА - М, 2006. - 243 с.; Мищенко В.В. Инвестиционный менеджмент. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 416 с.; Нешиной А.С. Инвестиции. - М.: Дело, 2008. - 316 с.; Игошин Н.В. Инвестиции. Организация, управления и финансирование. - М.: КноРус, 2001. - 410 с.; Марголин А.М. Инвестиции. - М.: Дело, 2006. - 247 с.
4. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. - Тошкент: Молия, 2003. - 332 б.; Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. / и.ф.д., профессор А.В.Вахабовнинг умумий таҳрири остида. - Т.: “Молия”, 2010. - 330 б.; Умаров С.Р. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш: и.ф.н. илм. дар. олиш учун дисс. Автореферати: БМА. - Т., 2008. - 22 б.; Махмудова Г.Н. Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўналишлари: и.ф.н. илм. дар. олиш учун дисс. Автореферати: БМА. - Т., 2010. - 21 б.; Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банклар фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. и.ф.н. илм. дар. олиш учун дисс. Автореферати: БМА. - Т., 2005. - 19 б.
5. Industrial Development Report 2018. Demand for Manufacturing: Driving Inclusive and Sustainable Industrial Development. UNIDO. Printed in Austria November 2017. - 164 p.

6. Маковеев В.Н. Анализ развития машиностроительной отрасли в России. // Современные технологии управления. ISSN 2226-9339. - №8 (32). Номер статьи: 3205. Дата публикации: 2013-08-08. Режим доступа: <http://sovman.ru/article/3205/>, манба асосида муаллиф томонидан тузилган.
7. Миронов М.Г., Загородников С.В. Экономика отрасли (машиностроение): Учебник. - М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. - 12 с.